



ТИЗА БЎҒИМИНИ ТОТАЛ ЭНДОПРОТЕЗЛАШДАН КЕЙИНГИ БЕМОРЛАРНИ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ

Хужаназаров И.Э., Анорбоев М.Х.

Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий
тиббиёт маркази, Тошкент тиббиёт академияси.

Мавзунинг долзарблиги. Тизза бўғимининг деформацияловчи остеоартрози оғриқ ва ногиронлик билан бирга келадиган жуда кенг тарқалган касалликдир. Аниқланишича, 55 ёшдан ошган одамларнинг 7,5 фоизи гонартрознинг рентгенологик белгилари билан боғлиқ тизза бўғимларида оғриқлар, 2 фоизида еса бу жиддий муаммога айланади. Гонартрозда менискларнинг дегенератив шикастланиши, бойламларнинг бекарорлиги, оёқ ўқининг бузилиши, бўғим бўшлиғи текислигининг ўзгариши кузатилади. Гонартрозни консерватив даволаш қўйидагиларни ўз ичига олади: жисмоний фаолият турини ўзгартириш, ортиқча вазнга қарши курашиш, фармакотерапия (яллиғланишга қарши дорилар, аналгетиклар, хондропротекторлар), периартикуляр мушакларни кучайтириш. Бироқ, консерватив усулларда оғриқ синдромидан халос бўлолмаган ҳолларда, даволашнинг жарроҳлик усули тизза бўғимини эндопротезлаш амалга оширилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу тадқиқотнинг мақсади реабилитация чораларининг самарали тизимини ишлаб чиқиши орқали тизза бўғимини тотал эндопротезлашанинг функционал натижаларини яхшилаш.

Материаллар ва тадқиқот усуллари. Тадқиқот обьекти Республика Травматология ва ортопедия марказининг Реабилитация бўлимида тизза бўғимида тотал эндопротезлаш операцияси қилинган 60 нафар беморни реабилитация қилдик. Беморларни асосий ва назорат гурухларига бўлдик. Жарроҳликдан сўнг даволаниш ва тикланиш даври bemorlarning ikkala guruxi учун ҳам бошланди, бу 2-3 ҳафта давом етади. Асосий гуруҳда биз томонидан ишлаб чиқилган ва тежамкор режимда олиб бориладиган bemorlarни реабилитация қилиш учун маҳсус реабилитацион машқлардан фойдаландик. Назорат гуруҳида bemorlar инструкторсиз мустақил равишда физиотерапия машқларини бажаришди.

Натижа. Реабилитациядан сўнг даволашнинг натижалари У.Оберег шкаласи бўйича ўрганилди, bemorlarда юриш ва дам олишда бўғимларда оғриқлар бўлмаса, шунингдек, харакат оралигининг ошиши ҳисобга олинган ҳолда яхши ва жуда яхши натижалар кўриб чиқилди. Операцидан кейин bemorlarда 1 ойдан кейин 85,8% да, 3 ойдан кейин 88,3% да, 6 ойдан кейин 82,0% да, 12 ойдан кейин 78,9% да натижалар яхшиланганини қайд етдик. Бир йил ичida касалликнинг ремиссия даврининг ўсиши кузатилди. 2 (2,6%) bemorda қониқарсиз. Эндопротезлашдан сўнг узоқ муддатли даволаниш натижалари bemorlarning ҳаёт сифати биз томонидан ишлаб чиқилган шкала бўйича ўрганилди. Бизнинг ҳаёт сифатини баҳолашимизга кўра, яхши натижалар



15 дан 22 баллгача, қониқарли - 8 баллгача бўлган. 14 гача; қониқарсиз 0 дан 7 баллгача бўлган сумма билан баҳоланди.

Асосий гуруҳда 45 (82,6%), назорат гуруҳида 40 (73%) яхши натижаларга еришилди. Асосий гуруҳда 9та (16,4%), назорат гуруҳида 13та (24%) қониқарли. Асосий гуруҳда қониқарсиз 1 (1%), назорат гурухи 2 (3%). Асосий ва назорат гуруҳларини солиштирганда, асосий гуруҳда реабилитациядан кейинги даволаш натижалари яхши 82,6%, назорат гуруҳида 73%, бу маълумотлар асосий гуруҳда реабилитация самарадорлигини кўрсатади.

Хуноса. Биз ишлаб чиқкан реабилитацион машқлар қўллангандан сўнг беморларда соғлом оёққа нисбатан операция қилинган оёқнинг харакатининг қўпайиши қайд етилган. Баҳолаш методологиямизга кўра, операция қилинган оёқнинг ижобий натижаларга еришилди, бу оёқларнинг мушакларининг ишлашига имкон беради. Асосий гурух bemorларида назорат гурухи bemorларига кўра яхшироқ эканлигини кўрсатди.